

“Кварц” акциядорлик жамияти
акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишининг
2-сонли
БАЁННОМАСИ

2022 йил 30 июнь
соат 10-00

Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри,
Мустақиллик кўчаси, 2а-уй

“Кварц” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда “Жамият” деб юритилади) акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорлар ва вакилларга тегишли овоз берувчи акциялар сони 86 636 713 дона. Жами овоз берувчи акциялар сони 96 449 218 дона. **Йиғилиш кворуми 89,82 фоиз.**

Қатнашдилар:

“UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ номидан 29.06.2022 йил 22-І сонли ишончномага асосан вакил - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Х.К.Сирожитдинов;

Жамият акциядорлари ва уларнинг вакиллари (рўйхат илова этилади);

Таклиф этилганлар:

Жамиятнинг бошқарув ва назорат органи аъзолари, ташқи ва ички аудит вакиллари

ЭШИТИЛДИ:

Акциядорларнинг умумий йиғилишида жамият Кузатув кенгашининг раиси ҳамда кенгаш аъзолари узрли сабабларга кўра қатнаша олмаганликларини инобатга олиб, Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши раиси этиб вакил Х.К.Сирожитдинов сайлаш таклиф этилди.

(Бир овоздан маъқулланди)

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши раиси этиб Х.К.Сирожитдинов сайлансин.

ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш раиси – Жамият акциядорлари умумий йиғилиши котибини этиб “Кварц” АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими мутахассиси Ғ.Мамаджоновни сайлаш таклиф этилди.

(Бир овоздан маъқулланди)

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Жамият акциядорлари умумий йиғилиши котиблигига “Кварц” АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими мутахассиси Ғ.Мамаджонов сайлансин.

ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш раиси – Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг Санок комиссиясини қуйидаги таркибда:

1. З.Бурхонов - “Кварц” АЖ Махсус бўлими бошлиғи ;

2. З.Раимбердиева - “Кварц” АЖ Бизнесни стратегик ривожлантириш ва лойихалаштириш бўлими бошлиғи ўринбосари;

3. О.Михайлюк - “Кварц” АЖ Бизнесни стратегик ривожлантириш ва лойихалаштириш бўлими иқтисодчиси.

таклиф этилди.

(Бир овоздан маъқулланди)

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг санок комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. З.Бурхонов - “Кварц” АЖ Махсус бўлими бошлиғи ;
2. З.Раимбердиева - “Кварц” АЖ Бизнесни стратегик ривожлантириш ва лойихалаштириш бўлими бошлиғи ўринбосари;
3. О.Михайлюк - “Кварц” АЖ Бизнесни стратегик ривожлантириш ва лойихалаштириш бўлими иқтисодчиси.

Йиғилиш раиси Х.К.Сирожитдинов жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. “Кварц” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. “Кварц” АЖ Кузатув Кенгашининг 2021 йилда ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича ва жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳамда жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини мустақил ташкилот томонидан баҳолаш яқунлари бўйича ҳисоботи.
3. “Кварц” АЖ Бошқарув раисининг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари, Бизнес-режа кўрсаткичлари ва жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилган чоралар бўйича ҳисоботи.
4. “Кварц” АЖ Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
5. “Кварц” АЖ ташқи аудиторининг жамиятнинг 2021 йил яқунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш яқунлари бўйича хулосасини кўриб чиқиш.
6. “Кварц” АЖнинг 2021 йил учун йиллик ҳисоботини, шу жумладан бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш.
7. “Кварц” АЖнинг 2021 йил яқунлари бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида.
8. “Кварц” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида.
9. “Кварц” АЖнинг Бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларини сайлаш тўғрисида.
10. “Кварц” АЖнинг Миноритар акциядорлар қўмитаси аъзоларини сайлаш тўғрисида.
11. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ижро органи тўғрисида”ги Низомларини ва “Бошқарув ва назорат органлари, меҳнат жамоаси аъзоларини рағбатлантириш тўғрисидаги”ги Низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар матнини тасдиқлаш.
12. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
13. Жамиятнинг 2022-2026 йиллар учун ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш.

14. Жисмоний шахс акциядорлар томонидан талаб этиб олинмаган 2014-2017 йиллар якуни бўйича дивидендларни жамият ихтиёрига қолдириш масаласини кўриб чиқиш.

15. “Кварц” АЖнинг аффилланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузилиши мумкин бўлган битимлар рўyxатини тасдиқлаш тўғрисида.

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш кун тартибидаги 1-масала бўйича (“Кварц” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга асосан йиғилиш раиси томонидан кун тартибидаги масалалар бўйича маъруза ва музокарага чикувчилар учун куйидаги йиғилиш регламенти маълум қилинди.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 15 дақиқагача, савол-жавоблар учун 10 дақиқагача, саноқ комиссияси ишига 30 дақиқа вақт ажратилиши таклиф этилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб жамият таклиф этилаётган йиғилиш регламентини тасдиқлаш жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

Йиғилиш кун тартибидаги 2-масала бўйича (“Кварц” АЖ Кузатув Кенгашининг 2010 йилда ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича ва жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳамда жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини мустақил ташкилот томонидан баҳолаш якунлари бўйича ҳисоботи) йиғилиш раиси Х.К.Сирожитдинов томонидан 2021 йилда Кузатув Кенгашининг ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича ва Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисобот берилди (ҳисобот илова қилинади).

“Кварц” АЖ Кузатув кенгаши 2021 йилда Корпоратив бошқарув Кодексининг ҳисобдорлик, очиқлик, ҳаққонийлик, юксак ахлоқий тамойилларга риоя этиш ҳамда акциядорлик жамиятни узоқ муддатли истикболда барқарор ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган тегишли бошқарувнинг асосий принциплари асосида фаолиятини амалга оширди.

Кузатув кенгашининг 2021 йил давомида жамиятнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб ҳамда Кузатув кенгашининг иш режасига мувофиқ 12 та мажлислари ўтказилди ҳамда ушбу мажлисларда 54 та масала муҳокама қилиниб, қонунчиликда белгиланган тартибда қарорлар қабул қилинди.

Ҳусусан, 2021 йилга Бизнес-режаси ижросини таҳлил қилган ҳолда Жамият Бошқаруви фаолиятини мунтазам кузатиб бориш, ҳар чоракда Жамият Бошқаруви ҳамда Ички аудит хизмати фаолияти якунлари тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаб, тегишли қарорлар қабул қилинди ва уларнинг ижроси юзасидан доимий назорат ўрнатилди.

Ҳисобот йилининг ҳар чорагида Тафтиш комиссиясининг аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосалари кўриб чиқилди.

Ҳисобот йилида Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра Жамиятнинг навбатдаги йиллик ҳамда навбатдан ташқари умумий йиғилишлари ўтказилди.

Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизими “Ишонч ЛТД” МЧЖ мустақил ташкилот томонидан баҳоланди ҳамда 2022 йил 10 майдаги

хулосасига кўра Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизими “ЮҚОРИ” даражада баҳоланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб жамият Кузатув Кенгашининг ҳисоботини тасдиқлаш жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

Йиғилиш кун тартибидаги 3-масала бўйича (*“Кварц” АЖ Бошқарув раисининг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари, Бизнес-режа кўрсаткичлари ва жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилган чоралар бўйича ҳисоботи*) Жамиятнинг Бошқарув раиси в.в.б. А.Буриев “Кварц” АЖ ижро органининг 2021 йил молия-хўжалик йили якунлари ва 2021 йилга мўлжалланган бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича 2021 йил давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берди (ҳисобот илова қилинади).

Хусусан, “Кварц” АЖда 2021 йил давомида жамиятнинг бизнес-режасида белгиланганига нисбатан ҳақиқатда куйидаги кўрсаткичларга эришилди:

амалдаги нархларда товар маҳсулоти ҳажми 487 647,7 млн.сўмлик режа (495 531 ,24 млн.сўм) 98,4%га ёки 7 883,5 млн.сўмга кам бажарилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврида ишлаб чиқарилган (298 9328,2 млн сўм) маҳсулотга нисбатан 188 715,5 млн. сўмга кўпайиб 163,1%ни ташкил этган.

солиштирма нархларда товар маҳсулоти ҳажми 385 752,3 млн. сўмлик режа (441 415,7 млн.сўм) 87,4%га ёки 55 663,5 млн.сўмга кам ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврида ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан 91 050,8 млн.сўмга кўпайиб 130,9%ни ташкил этган.

Ишлаб чиқариш кўрсаткичи 2021 йил давомида:

пиша банкалар 50,04 млн.дона, режадагидан 31,26 млн.дона кам (61,5%), 2020 йилга нисбатан 16,96 млн.дона кам (74,4%);

пиша бутилкалар 47,2 млн.дона, режадагидан 40,5 млн.донага кам (53,8%), 2020 йилга нисбатан 27,4 млн.дона кам (63,3%);

қурилиш ойнаси режадагидан 12 229 минг метр квадрат ёки 12 229 минг метр кв. (99,4%), ўтган йилга нисбатан 5 473 минг метр квадрат кўп ишлаб чиқарилган (181%).

Реализация қилинган маҳсулот 2021 йил давомида 423 320,9 млн.сўм бўлиб, 2020 йилга нисбатан , 115 365,3 млн сўмга кўп (307 964,6 млн.сўм) реализация қилинган.

Реализация қилинган маҳсулот 2021 йил давомида 423 320,9 млн.сўм бўлиб, 2020 йилга нисбатан , 115 365,3 млн сўмга кўп (307 964,6 млн.сўм) реализация қилинган.

Ҳисобот даврида пиша банка 113,5 млн.дона, 57 860,0 млн сўмлик, ўтган йил (248,05 млн.дона, 101 465,0 млн сўм)га нисбатан 43 605,0 млн.сўмга кам, ўтган йилга нисбатан сотилган қурилиш ойнасини 18 948,0 минг м², 318 093,0 млн.сўм ўтган йилга (11 811,0 минг м², 142 113,0 млн.сўм) нисбатан 175 980,0 млн.сўмга кўп реализация қилиниши, экспортга жами 4 038,075 минг АҚШ долларлик маҳсулот, ўтган йил кўрсаткичидан (2 189,29 минг АҚШ доллар) 1 848,78 минг АҚШ доллари миқдорида кўп экспорт қилинган. Пиша бутилка маҳсулоти 38,476 млн.дона, 42 867,0 млн.сўмлик, ўтган йил кўрсаткичидан 9 829,0 млн.сўмга кам сотилган.

Тайёр маҳсулот қолдиғи 2020 йилга нисбатан 70 294,88 млн.сўмга камайган ёки 103 442,08 млн.сўмни ташкил қилган.

2021 йил учун тасдиқланган Бизнес режада белгиланган соф тушум ижроси 73 143,9 млн.сўмга кам ёки 85,26% га бажарилган, 2020 йилга нисбатан бу кўрсаткич 114 705,6 млн.сўмга кўпайган.

2021 йил умумий молиявий натижа фойда режага нисбатан 57,9%га, соф фойда

67,4% га бажарилган, 2020 йилга нисбатан умумий молиявий натижадан фойда 97,0%га, соф фойда эса 116,2%га кўпайган.

Давр харажатлари бизнес-режасида белгиланган кўрсаткичлар билан солиштирилганда 17 220,1 млн.сўмга кўп харажат қилинган.

Жумладан, сотиш харажатлари 6 200,0 млн.сўмга, маъмурий харажатлар 387,0 млн.сўмга режалаштирилган кўрсаткичга нисбатан кўп харажат қилинганлиги маълум бўлди.

Шунингдек жамиятни 2017-2021 йилларга ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича 2021 йил давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида қуйидагилар маълум қилинди:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 сентябрдаги Ф-5374-сонли “Кварц” акциядорлик жамиятида силлиқланган ойна ишлаб чиқариш янги флоат линияси қуриш инвестиция лойиҳасини амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармойишига асосан суткасига 400 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги флоат линияси қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, июн ойида синов тариқасида ойна ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

- қуввати соатига 50 тонна бўлган кварц қумини бойитиш линияси «АКВ-Аппарате-Верфахрен ГмБх» (Германия) компанияси билан биргаликда ишга туширилди.

- хом-ашё тайёрлаш цехидан янги флоат линиясига шихта етказиб берувчи 300 метрли галереяси қурилиши ҳамда ускуналарни ўрнатиш ишлари якунланди.

- янги турдаги енгил ўтга чидамли маҳсулотлар (ғишт) ишлаб чиқарилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб Жамият бошқарув раиси А.И.Буриевнинг жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари, бизнес-режа кўрсаткичлари ва жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича ҳисоботини тасдиқлаш жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

Кун тартибидаги 4-масала бўйича (*“Кварц” АЖ Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.*) Тафтиш комиссияси раиси М.Ибрагимов сўзга чиқиб, “Кварц” АЖ Тафтиш комиссиясининг 2021 молиявий йили якуни бўйича жамият молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунлари тўғрисидаги ҳамда 2021 йил давомида жамиятнинг аффилланган шахслари билан тузилган битимлар ҳамда йирик битимлар мавжудлиги тўғрисидаги ҳисобот берди (хулоса илова қилинади).

Хусусан, Ҳисобот даври якуни бўйича жамиятда узоқ муддатли активлар 798 408 млн.сўмни ёки жами активларнинг 80,95 фоизни ташкил қилган. Жорий активлар эса 187 861 млн.сўмни ёки жами активларнинг 19,05 фоизини ташкил этган, шундан дебиторлар 37 621 млн.сўмни ташкил этган.

Жамият бухгалтерия балансидаги активларнинг таркибини ўрганиш жараёнида, ҳисобот даври якунига узоқ муддатли инвестициялар 18 627,40 млн.сўмни ташкил этган.

Жамиятда 2021 йил якуни бўйича ўз маблағлари манбалари 337 339,0 млн. сўмни, шундан устав фонди 165 410,4 млн.сўмни, резерв фонди 22 709,4 млн.сўмни ва тақсимланмаган фойда 54 712,9 млн.сўмни ташкил этган.

Жамиятда дебитор қарзлар ҳисобот йил охирига ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 523 998 млн.сўмга (93,3%) камайиб, 37 621 млн.сўмни ташкил этиб, ундан муддати ўтган дебиторлар мавжуд бўлмаган.

Жамиятда жорий кредиторлик қарзлар ҳисобот йил охирига ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 41 153 млн.сўмга (121,6%) кўпайиб, 41 153 млн.сўмни ташкил этган.

Жамиятда молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили натижасида қоплаш (тўлов қобиляти) коэффиценти (Кпл) бўйича – тўлов қобилятига эгаллиги, мутлоқ ликвидлик коэффиценти бўйича – қарздорлик мажбуриятларини зарурат бўлганда зудлик билан қайтарилиш даражаси мавжуд эмаслиги ҳамда узоқ ва қисқа муддатли қарз маблағларининг боғлиқлиги коэффиценти (жорий молиявий мустақиллик) (Ксс) бўйича – молиявий таваккалчилик мавжуд эмаслиги маълум бўлди.

Тафтиш комиссияси томонидан 2021 йил якуни бўйича жамиятнинг фаолияти «қониқарли» деб баҳоланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 107-моддаси талабларига асосан Тафтиш комиссияси томонидан жамиятда тузилган йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан тузилган битимларнинг таркиби ҳамда уларнинг тузишда амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши юзасидан чоракли ўрганишлар амалга оширилиб, тегишли хулосалар ҳамда жамият фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида Тафтиш комиссияси томонидан таклифлар берилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб “Кварц” АЖ Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

Кун тартибдаги 5-масала (*“Кварц” АЖ ташқи аудиторининг Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолиятини текишириш якунлари бўйича хулосасини кўриб чиқиши*) Бош ҳисобчи А.Исабоев сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларига қуйидагиларни маълум қилди.

“Кварц” АЖнинг 2021 йил якунлари бўйича ўтказилган ташқи аудит натижалари бўйича “AUDIT-KANON” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2022 йил 29 апрелдаги хулосаси билан мажлис иштирокчилари таништирилди (аудитор хулосаси илова қилинади).

“AUDIT-KANON” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятнинг 2021 молиявий йил молиявий ҳисоботлари миллий ва халқаро стандартларига тўла мос келиши тўғрисида хулоса берилди.

Кун тартибдаги масала бўйича Жамиятнинг ташқи аудитори “AUDIT-KANON” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

Кун тартибдаги 6-масала бўйича (*“Кварц” АЖнинг 2021 йил учун йиллик ҳисоботини, шу жумладан бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш*) Жамиятнинг Бош ҳисобчиси А.Исабоев томонидан акциядорларга қуйидагилар маълум қилинди.

Жамиятнинг 2022 йил 1 январь ҳолатига тузилган бухгалтерия баланси бўйича баланс активлари 986 269,52 млн. сўмни, бунда узоқ муддатли активларнинг ўсиши 4 бараварни ва жорий активларнинг ўсиши 0,27 бараварни ташкил этди.

Узоқ муддатли активлар 798 408,4 млн.сўмга ўсиши янги технологик ускуналарни сотиб олиниши билан ўлчанади. Ҳисобот даври охирига жамият соф активлари қиймати 0,94 бараварга камайиб, 337 339,01 млн.сўмга етган, бу эса узоқ муддатли ва жорий активларни ошиши манбаси бўлиб хизмат қилди.

Жамиятнинг 2021 йилдаги жами даромади 423 320,91млн.сўмни, харажатлари 72 040,21млн.сўмни, соф фойда эса 54 712,93 млн.сўмни ташкил этди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб Жамиятнинг йиллик ҳисоботини, 2021 йил йиллик бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаб бериш акциядорлардан сўралди.

Кун тартибидagi 7-масала бўйича (*Кварц*” АЖнинг 2021 йил якунлари бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида) бўйича Бош ҳисобчи А. Исабоев сўзга чиқиб, “Кварц” АЖнинг 2021 йил якуни бўйича олинган 54 712 930 343 сўмлик соф фойдасини тақсимлаш юзасидан Кузатув кенгаши томонидан, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2022 йил 30 майдаги 03/30-18/1993 сонли хати ҳамда “UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖнинг 2022 йил 29 июндаги 01/04-2-142 сонли кўрсатмаси бўйича қуйидагиларни акциядорларга маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 12-13 май кунлари Фарғона вилоятига ташрифи давомида ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлисда берилган топшириқлар баёнининг 83-бандида Давлат активларини бошқариш агентлигига “Кварц” АЖнинг 2021 йил якуни бўйича олинган 54,7 млрд.сўм фойдасини тўлиқ корхонани ривожлантиришга йўналтиришда амалий ёрдам бериш топшириғи берилган.

Шу муносабати билан Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича олинган 54 712 930 343 сўм соф фойдани тақсимлаш бўйича қуйидаги таклиф этилди:

- амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ Жамият захира фондида 2 102 136 208,08 сўм ёки 3,8 фоиз (01.01.2022 йил ҳолатига захира фонди 22 709 425 122,42 сўмга ёки устав фондида нисбатан 13,72 фоиз миқдорида шакллантирилган);

- инновацияни ривожлантириш жамғармасига 5 471 293 034,30 сўм ёки 10 фоиз (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.05.2018 йилдаги ПҚ-3698-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 24-сонли ва 12.03.2018 йилдаги 195-сонли қарорларига асосан);

- корхонани ривожлантиришга 47 139 501 100,62 сўм ёки 86,2 фоиз.

Жамият Кузатув кенгаши томонидан, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2022 йил 30 майдаги 03/30-18/1993 сонли хати ҳамда “UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖнинг 2022 йил 29 июндаги 01/04-2-142 сонли кўрсатмаси бўйича таклиф этилаётган фойда тақсимотини тасдиқлаш Жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

Кун тартибидagi 8-масала бўйича (*“Кварц” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида*) йиғилиш раиси сўзга чиқиб, акциядорларга жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш масаласида “UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамияти томонидан Кузатув кенгаши аъзоларига номзодлар тақдим этилгунга қадар, жамиятнинг амалдаги Кузатув кенгаши таркибига киритилган номзодларга овоз бериш сўралган.

“UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамиятининг 2022 йил 29 июндаги 01/04-2-142 сонли кўрсатмага мувофиқ амалдаги қонунчиликка ва жамият Уставига асосан жамият амалдаги Кузатув кенгаши таркиби қуйидаги номзодлар таклиф этилди:

- | | |
|-------------------------------------|--|
| 1. Абидов Шерзод Абдусаматович | - Вазирлар Маҳкамаси котибият мудир; |
| 2. Базаров Аслиддин Рашидович | - Вазирлар Маҳкамаси бўлим мудир; |
| 3. Каримов Алишер Нишанович | - Адлия вазири ўринбосари; |
| 4. Қурбоналиев Санжар Сабриддинович | - Давлат активларини бошқариш агентлиги Департамент бошлиғи; |
| 5. Маматов Одилжон | - Бўш турган объектлардан самарали |

- | | | | |
|----|------------------------------------|---|--|
| | Абдугапарович | | фойдаланишни ташкил этиш маркази Директори в.в.б; |
| 6. | Ахмедов Ботир Илхомович | - | “UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ Бошқарув раиси; |
| 7. | Сайфуллоев Абдулазиз Саъдулло ўғли | - | Давлат активларини бошқариш агентлиги бўлим бошлиғи; |
| 8. | Хакимов Шерзод Набижанович | - | Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази бўлим бошлиғи; |
| 9. | Реджабоев Хасан | - | Висконсин-Мадисон (АҚШ) университети тадқиқотчиси (мустақил аъзо).
“UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ Бошқарув раиси; |

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайлаш учун таклиф этилаётган номзодлар бўйича кумулятив овоз бериш бюллетенлари бўйича овоз беришлари акциядорлардан сўралди.

Күн тартибидаги 9-масала бўйича (*“Кварц” АЖнинг Бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларини сайлаш тўғрисида*) йиғилиш раиси томонидан акциядорларга қуйидагилар маълум қилинди.

“Кварц” акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг 2022 йил 9 июлдаги қарорига асосан жамият бошқаруви аъзолигига қуйидаги номзодлар таклиф этилган:

- | | | | |
|----|----------------|---|---|
| 1. | А.И.Буриев | - | Бошқарув раиси ; |
| 2. | С.С.Турсунбаев | - | Бош мухандис; |
| 3. | Б.Р.Тошбалтаев | - | Бошқарув раисининг маркетинг ва тижорат ишлари бўйича ўринбосари; |
| 4. | В.В.Мамадалиев | - | Бошқарув раисининг молия бўйича ўринбосари; |
| 5. | Д.Ш.Умаров | - | Бошқарув раисининг умумий масалалар бўйича ўринбосари |
| 6. | С.Х.Дадабаев | - | Хавсизлик хизмати бошлиғи; |
| 7. | Х.М. Маматов | - | Юридик хизмати бўлим бошлиғи; |
| 8. | Р.Х.Кучкаров | - | Бош механик; |
| 9. | Ё.Х.Юсуфжонова | - | Бизнес ривожини стратегик режалантириш бўлими бошлиғи. |

Жамият Кузатув кенгаши томонидан таклиф этилаётган жамият Бошқаруви таркибини сайлаш акциядорлар йиғилишидан сўралди.

Күн тартибидаги 10-масала бўйича (*“Кварц” АЖнинг Миноритар акциядорлар қўмитаси аъзоларини сайлаш*) Жамият Бошқарув раиси А.И. Буриев сўзга чиқиб, мажлис иштирокчиларига қуйидагиларни маълум қилди. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш акциядорларнинг умимий йиғилиш ваколатига киради. Жамият Низоми билан Миноритар акциядорлар қўмитаси аъзоларининг сони 3 (уч) кишидан иборат бўлиши белгиланган.

“Кварц” акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг 2022 йил 9 июндаги қарорига асосан Миноритар акциядорлар қўмитаси таркибига қуйидаги номзодлар таклиф этилган:

1. Хасанов Боходир - Касаба уюшмаси раиси;
Матмусаевич
2. Кадинова Регия - МВП, назорат тахловчиси;
Давлятовна
3. Кенжаева Мўтабар - МВП, назорат тахловчиси;
Розиқовна

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жамият Миноритар акциядорлар қўмитаси таркибига сайлаш учун таклиф этилаётган номзодлар бўйича овоз беришлари акциядорлардан сўралди.

Кун тартибидagi 11-масала бўйича (*Жамиятнинг янги тахрирдаги Устави, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ижро органи тўғрисида”ги Низомларини ва “Бошқарув ва назорат органлари, меҳнат жамоаси аъзоларини рағбатлантириш тўғрисидаги”ги Низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар матнини тасдиқлаш.*) “Кварц” АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Д.Мирхайдаров сўзга чиқиб, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 22.05.2022 йил 01/08-1-18/298-сонли ҳамда “UzAssets Investitsiya Kompaniyasi” АЖ 19.05.2022 йил 01/04-4-92-сонли хатларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида” ги ПФ 101-сон Фармонида асосан жамиятнинг таъсис ва ички меъёрий ҳужжатларини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштириш, жумладан уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, заруриятга кўра янги тахририни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш сўралган.

Мазкур фармон ижросини таъминлаш мақсадида Жамиятнинг янги тахрирдаги Устави, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ижро органи тўғрисида”ги Низомларини ва “Бошқарув ва назорат органлари, меҳнат жамоаси аъзоларини рағбатлантириш тўғрисидаги”ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштирилди. Низомлар лойиҳалари билан йиғилиш қатнашчилари таништирилди (ҳужжатлар лойиҳаси илова қилинади)

“Кварц” АЖнинг янги тахрирдаги Устави, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ижро органи тўғрисида”ги Низомларини ва “Бошқарув ва назорат органлари, меҳнат жамоаси аъзоларини рағбатлантириш тўғрисидаги”ги Низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳужжатларини тасдиқлаш бўйича овоз беришлари акциядорлардан сўралди.

Кун тартибидagi 12-масала бўйича (*Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш*) Жамият Бошқарув раиси А.И. Буриев сўзга чиқиб, мажлис иштирокчиларига қуйидагиларни маълум қилди. директор лавозимларини таркибий тузилмага ўзгартиришлар киритиш орқали жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилди ҳамда янги ташкилий тузилмани лойиҳаси ишлаб чиқилди. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси лойиҳасини билан йиғилиш қатнашчилари таништирилди. (янги ташкилий тузилма лойиҳаси илова қилинади).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тасдиқлаш бўйича овоз беришлари акциядорлардан сўралди.

Кун тартибдаги 13-масала бўйича (*Жамиятнинг 2022-2026 йиллар учун ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш*) Жамият Бошқарув раиси А.И. Буриев сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларини “Кварц” АЖ мутахассислари томонидан тайёрланган жамиятнинг 2022-2026 йиллар учун ривожлантириш стратегияси лойиҳасини таништирди. (жамиятнинг 2022-2026 йиллар учун ривожлантириш стратегияси илова қилинади).

Жамиятнинг 2022-2026 йиллар учун ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш бўйича овоз беришлари акциядорлардан сўралди.

Кун тартибдаги 14-масала бўйича (*Жисмоний шахс акциядорлар томонидан талаб этиб олинмаган 2014-2017 йиллар якуни бўйича дивидендларни жамият ихтиёрига қолдириш масаласини кўриб чиқиш.*) бўйича Бош ҳисобчи А. Исабоев сўзга чиқиб, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 51-моддаси эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолдирилиши белгиланган. Ҳозирги кунда жисмоний шахс акциядорлар томонидан талаб этиб олинмаган 2014-2017 йиллар якуни бўйича дивидендлар 39 694 805,72 сўмни ташкил этади.

Ушбу дивидендларни жамият ихтиёрида қолдириш бўйича овоз беришлари акциядорлардан сўралди.

Кун тартибдаги 15-масала бўйича (*“Кварц” АЖнинг аффилланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида*) Бош ҳисобчи А. Исабоев томонидан Ижроия органининг аффилланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни ҳамда келажакда аниқлаш жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни тузиш мумкин бўлган аффилланган шахслар рўйхати билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди ҳамда акциядорлардан ушбу рўйхатни тасдиқлаб бериш сўралди (рўйхат илова қилинади).

Юқоридагилардан келиб чиқиб белгиланган тартибда бюллетенларга белги қуйиш орқали ўз муносабатларини билдирилиши йиғилиш иштирокчиларидан сўралди.

Санок комиссия овоз бериш натижаларини умумий йиғилиш иштирокчиларига эълон қилди.

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши томонидан

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. “Кварц” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

**Овоз бердилар: – 86 636 713 овоз, тарафдорлар – 86 636 713 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. Йиғилиш кун тартибдаги масалалар бўйича маърузалар учун 15 дақиқагача савол-жавоблар учун 10 дақиқагача, Санок комиссияси ишига 30 дақиқа вақт ажратиш орқали акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламенти тасдиқлансин.

2. “Кварц” АЖ Кузатув Кенгашининг 2021 йилда ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича ва Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳамда Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини мустақил ташкилот томонидан баҳолаш якунлари бўйича ҳисоботи.

**Овоз бердилар: – 86 636 713 овоз, тарафдорлар – 86 636 713 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизими “Ишонч ЛТД” МЧЖ мустақил ташкилотининг 2022 йил 10 майдаги хулосасига кўра “ЮҚОРИ” даражада эътироф этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жамият Кузатув Кенгашининг 2021 йилда ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича ва Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботи тасдиқлансин.

3. “Кварц” АЖ Бошқарув раисининг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари, Бизнес-режа кўрсаткичлари ва Жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилган чоралар бўйича ҳисоботи.

**Овоз бердилар: – 86 636 713 овоз, тарафдорлар – 86 636 713 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. “Кварц” АЖ ижро органининг 2021 йил молия-хўжалик йили якунлари ва бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши ҳамда Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича 2021 йил давомида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги Бошқаруви раиси А.Буриевнинг ҳисоботи тасдиқлансин.

2. Жамият Бошқаруви(А. Бўриев)га:

Жамиятнинг 2022 йилга мўлжалланган бизнес-режасида белгиланган кўрсаткичларни ижросини таъминланиши юклатилсин.

4. “Кварц” АЖ Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.

**Овоз бердилар: – 86 636 713 овоз, тарафдорлар – 86 636 713 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. “Кварц” АЖ Тафтиш комиссиясининг 2021 молиявий йили якуни бўйича Жамият молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунлари тўғрисидаги ҳамда 2020 йил давомида Жамиятнинг аффилланган шахслари билан тузилган битимлар ҳамда йирик битимлар мавжудлиги тўғрисидаги Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлансин.

5. “Кварц” АЖ ташқи аудиторининг Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш якунлари бўйича хулосасини кўриб чиқиш.

**Овоз бердилар: – 86 636 713 овоз, тарафдорлар – 86 636 713 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. “Кварц” АЖнинг 2021 йил якунлари бўйича ўтказилган ташқи аудит натижалари бўйича “AUDIT-KANON” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2022 йил 29 апрелдаги хулосалси тасдиқлансин.

6. “Кварц” АЖнинг 2021 йил учун йиллик ҳисоботини, шу жумладан бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш.

**Овоз бердилар: – 86 636 713 овоз, тарафдорлар – 86 636 713 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. “Кварц” АЖнинг 2021 йил учун йиллик ҳисоботи, шу жумладан бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботлари тасдиқлансин.

7. “Кварц” АЖнинг 2021 йил якунлари бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида.

**Овоз бердилар: – 86 636 713 овоз, тарафдорлар – 86 636 713 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича олинган 54 712 930 343 сўмлик соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ Жамият захира фондида 2 102 136 208,08 сўм ёки 3,8 фоиз (01.01.2022 йил ҳолатига захира фонди 22 709 425 122,42 сўмга ёки устав фондида нисбатан 13,72 фоиз миқдорида шакллантирилган);

- инновацияни ривожлантириш жамғармасига 5 471 293 034,30 сўм ёки 10 фоиз (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.05.2018 йилдаги ПҚ-3698-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 24-сонли ва 12.03.2018 йилдаги 195-сонли қарорларига асосан);

- корхонани ривожлантиришга 47 139 501 100,62 сўм ёки 86,2 фоиз.

8. “Кварц” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида.

“Кварц” АЖ Кузатув кенгаши таркибини сайлаш бўйича кумулятив овоз бериш натижалари:

- | | | |
|---------------------------------------|---|------------------|
| 1. Абидов Шерзод Абдусаматович | - | 86 633 588 овоз. |
| 2. Базаров Аслиддин Рашидович | - | 86 633 588 овоз. |
| 3. Каримов Алишер Нишанович | - | 86 633 588 овоз. |
| 4. Қурбоналиев Санжар Сабриддинович | - | 86 651 588 овоз. |
| 5. Маматов Одилжон Абдугапарович | - | 86 633 588 овоз. |
| 6. Ахмедов Ботир Илхомович | - | 86 651 588 овоз. |
| 7. Сайфуллоев Абдулазиз Саъдулло ўғли | - | 86 633 588 овоз. |
| 8. Хакимов Шерзод Набижанович | - | 86 632 994 овоз. |
| 9. Реджабоев Хасан | - | 86 625 713 овоз. |

1. “Кварц” АЖ Кузатув кенгаши қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- | | | |
|---------------------------------------|---|--|
| 1. Абидов Шерзод Абдусаматович | - | Вазирлар Маҳкамаси котибият мудир; |
| 2. Базаров Аслиддин Рашидович | - | Вазирлар Маҳкамаси бўлим мудир; |
| 3. Каримов Алишер Нишанович | - | Адлия вазири ўринбосари; |
| 4. Қурбоналиев Санжар Сабриддинович | - | Давлат активларини бошқариш агентлиги Департамент бошлиғи; |
| 5. Маматов Одилжон Абдугапарович | - | Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Директори в.в.б; |
| 6. Ахмедов Ботир Илхомович | - | “UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ Бошқарув раиси; |
| 7. Сайфуллоев Абдулазиз Саъдулло ўғли | - | Давлат активларини бошқариш агентлиги бўлим бошлиғи; |

- | | | | |
|----|-------------------------------|---|--|
| 8. | Хакимов Шерзод
Набижанович | - | Бўш турган объектлардан самарали
фойдаланишни ташкил этиш маркази
бўлим бошлиғи; |
| 9. | Реджабоев Хасан | - | Висконсин-Мадисон (АҚШ) университети
тадқиқотчиси (мустақил аъзо). |

9. “Кварц” АЖнинг Бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларини сайлаш тўғрисида.

**Овоз бердилар: – 86 636 713 овоз, тарафдорлар – 86 636 713 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. “Кварц” АЖ Бошқаруви қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- | | | | |
|----|----------------|---|---|
| 1. | А.И.Буриев | - | Бошқарув раиси ; |
| 2. | С.С.Турсунбаев | - | Бош мухандис; |
| 3 | Б.Р.Тошбалтаев | - | Бошқарув раисининг маркетинг ва тижорат шлари
бўйича ўринбосари; |
| 4 | В.В.Мамадалиев | - | Бошқарув раисининг молия бўйича ўринбосари; |
| 5. | Д.Ш.Умаров | - | Бошқарув раисининг умумий масалалар
бўйича ўринбосари |
| 6. | С.Х.Дадабаев | - | Хавсизлик хизмати бошлиғи; |
| 7. | Х.М. Маматов | - | Юридик хизмати бўлим бошлиғи; |
| 8. | Р.Х.Кучкаров | - | Бош механик; |
| 9. | Ё.Х.Юсуфжонова | - | Бизнес ривожини стратегик режалантириш бўлими
бошлиғи. |

10. “Кварц” АЖнинг Миноритар акциядорлар қўмитаси аъзоларини сайлаш.

**Овоз бердилар: – 86 636 713 овоз, тарафдорлар – 86 636 713 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. “Кварц” АЖнинг Миноритар акциядорлар қўмитаси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- | | | | |
|----|--------------------------------|---|--------------------------|
| 1. | Хасанов Боходир
Матмусаевич | - | Касаба уюшмаси раиси; |
| 2. | Кадирова Регия
Давлятовна | - | МВП, назорат тахловчиси; |
| 3. | Кенжаева Мўтабар
Розиқовна | - | МВП, назорат тахловчиси; |

11. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ижро органи тўғрисида”ги Низомларини ва “Бошқарув ва назорат органлари, меҳнат жамоаси аъзоларини рағбатлантириш тўғрисидаги”ги Низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар матнини тасдиқлаш.

**Овоз бердилар: – 86 636 713 овоз, тарафдорлар – 86 636 713 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ижро органи тўғрисида”ги Низомлари ва “Бошқарув ва назорат органлари, меҳнат жамоаси

аъзоларини рағбатлантириш тўғрисидаги”ги Низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар матнини 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин тасдиқлаш.

12. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

**Овоз бердилар: – 86 636 713 овоз, тарафдорлар – 86 636 713 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин тасдиқлаш.

13. Жамиятнинг 2022-2026 йиллар учун ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш.

**Овоз бердилар: – 86 636 713 овоз, тарафдорлар – 86 636 713 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. Жамиятнинг 2022-2026 йиллар учун ривожлантириш стратегияси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин тасдиқлаш.

14. Жисмоний шахс акциядорлар томонидан талаб этиб олинмаган 2014-2017 йиллар якуни бўйича дивидендларни жамият ихтиёрига қолдириш масаласини кўриб чиқиш.

**Овоз бердилар: – 86 636 713 овоз, тарафдорлар – 86 636 713 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. Жисмоний шахс акциядорлар томонидан талаб этиб олинмаган 2014-2017 йиллар якуни бўйича 39 694 805,72 сўм дивидендларни жамият ихтиёрида қолдирилсин.

15. “Кварц” АЖнинг аффилиланган шахслари билан келгусида Жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида.


**Овоз бердилар: – 86 636 713 овоз, тарафдорлар – 86 636 713 овоз,
қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. “Кварц” АЖнинг 2021 йил давомида Жамият аффилиланган шахслари билан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузилган битимлари тасдиқлансин.

2. “Кварц” АЖнинг аффилиланган шахслари билан келгусида Жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Йигилиш раиси томонидан кун тартибига киритилган масалалар тўлиқ кўриб чиқилиб, тасдиқланганлиги муносабати билан йигилиш ёниқ деб эълон қилинди.

Йиғилиш раиси



Х.К.Сирожитдинов

Йиғилиш котиби



Ғ. Мамаджонов

Баённома имзоланган санаси

«7» сеп 2022 й.